

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ПАХТАЧИЛИК ВА ШОЛИЧИЛИК КАБИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ (1950-80 ЙИЛЛАР МВСОЛИДА)

Наргиз Абдуллаевна Худайқулова

Тошкент Тиббиёт Академияси Урганч филиали “Ижтимоий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

nargizahudayqulova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1950-1980 йилларда Хоразмда янги ерларни ўзлаштириш, бунинг асосида пахтачилик, шоличилик каби қишлоқ хўжалиги тармоқларини техника ва механизмлардан кенг фойдаланиш эвазига ривожланишириш тадбирларининг олиб борилиши каби фаолиятлар тарихи ёритилган.

Калит сўзлар: пахтачилик, шоличилик, колхоз, совхоз, ирригация, мелиорация, суғориш, фўза, чигит экиш, ўғит, техника, энергетика.

ABSTRACT

This article covers the history of activities such as the development of new lands in Khorezm in 1950-1980 years, on the basis of which the development of agricultural sectors such as cotton-growing, shalichilik and the wide use of machinery and equipment is carried out.

Keywords: cotton, turnip, collective farm, Sovkhoz, irrigation, melioration, irrigation, manure, planting of seeds, fertilizer, technique, energetics.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мамлакатда пахтачилик соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Марказий ҳукумат 1949 йилда қабул қилган “Колхоз ва совхозларда пахтачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги қарорида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва янги ерларни ўзлаштиришда техникадан кенг фойдаланиш, ирригация ва мелиорация ишларини ҳам механизмлар зиммасига юклаш ҳақида кўрсатма берилди.

1950 йилда Хоразм вилоятида суғориб дехқончилик қилинадиган ер майдонлари 143 минг га бўлиб, йил

охиригача уни 148 минг га етказиш вазифаси қўйилди[1]. Мазкур йўналишдаги тадбирлар вилоят дехқонларини кенг сафарбар қилиш эвазига амалга оширилиши мумкин эди. Вилоятда изчил агротехник тадбирлар жорий этилиши эвазига қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари кенгайди. Агар 1943 йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 5,0 ц. ташкил қилган бўлса, 1949 йилда — 9,3 ц. ва 1950 йилда 13,6 ц. етди [9. 13-14]. 1950 йилда Хоразм вилояти меҳнаткашлари давлатга 140 минг тонна пахта ҳосили топширдилар[1,18]. Аммо, ҳосилдорлик белгиланган 20,0 ц. паст эди. Мавжуд шароитни хисобга олган ва камчиликларни тугатиш чора–тадбирларини белгилаган вилоят раҳбарлари пахтачиликни юксалтиришга жиддий эътибор қаратдилар.

Марказнинг кўрсатган жуда катта ёрдамига таяниб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда олиб бориш, техника ва минерал ўғитларни кўпайтириш, ирригация ва мелиорация ишларини такомиллаштириш борасидаги саъй–ҳаракатлар ўз ижобий натижасини бера бошлади. 1950 йилда Хива туманида ғўза селекцияси ва янги навларни синовдан ўтказиш мақсадида тажриба майдони учун ер ажратилди.

ЎзКП МКнинг 1953 йил 9–10 октябрдаги VII пленумида Хоразм вилоятидаги қолоқликни тугатиш мақсадида 1954–1958 йилларда пахта экиладиган майдонларни 103,0 га 108,0 минг га яъни 5000 га кенгайтириш, ҳосилдорликни 20,5 ц. 26,0 ц. ошириш, ялпи ҳосилни 211,0 минг тоннадан 281,0 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди[7, 1-30].

1954 йил февралда сув хўжалик қурилишига эътиборсизлик кескин танқид қилиниб, бу борада кечикириб бўлмайдиган чора–тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди. Жумладан, сув қурилишини механизациялаш даражасини ошириш натижасида 1956 йилга келиб экскаваторлар ва ер қазидиган бошқа механизмлар ёрдамида 90 фоиз каналлар ва 80 фоиз колхозларро суғориш шаҳобчалари ва захкашларни тозалашни таъминлаш талаб қилинди.

1956 йилда Марказий ҳукумат “Пахта хом ашёсини етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан янада рағбатлантириш тадбирлари” тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосан топширилаётган хом ашё таннархини ошириш, оптика ҳосил учун мукофотлар бериш, жамоа хўжаликлари томонидан МТСларга тўланадиган ҳаражатларни 40 фоизга қисқартириш, минерал ўғитлар баҳосини арzonлаштириш

билин бир қаторда, сувга тўланадиган ҳақни бекор қилиш вазифаси қўйилди[10, 272].

1956 йилда Мирзачўлни кенг кўламда ўзлаштириш ва суғориш ишлари бошланди. Хоразм вилоятида ўзлаштириш учун кенг майдонлар бўлмаса-да, маҳаллий дехқонларнинг ерлар шўрини камайтириш, мелиорация тармоқларини шакллантириш борасидаги тажрибалари муҳим аҳамиятга эга эди. Жумладан, кўп йиллар давомида юқори қисми тузлар билан қопланиб қолган майдонларнинг устки қатламини маҳсус механизмлар ёрдамида сидириб олиш усули кенг кўлланилди. Бу борадаги тажрибани келгусида ВАСХНИЛ фахрий академиги А.Мадримов бойитди.

1958 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш баҳолари оширилди, жамоа ва давлат хўжаликлари аъзолари учун солиқлар камайтирилди, минерал ўғитлар нархи пасайтирилди, ерларни суғориш учун тўловлар бекор қилинди. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулотларнинг ҳажми кўпайиши ва ҳосилдорликнинг кўтарилишига ижобий таъсири кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигига пахтачилик соҳаси етакчи тармоқ ҳисобланган бир вақтда унга комплекс механизацияни жорий қилиш тадбирларининг кўлами ортди. Техника асосан МТСлар қарамоғида бўлганлиги сабабли тракторларнинг бир қисмини доимий сақлаш учун жамоа хўжаликлирида маҳсус шийпонлар қуриш ишларига киришилди. 1956 йилда Хоразм вилоятида бундай шийпонларни 30 та, 1957 йилда — 50 та ва 1958 йилда — 71 та жамоа хўжаликлирида қуриш режалаштирилди[7, 1-28].

1958 йилда тракторлар ёрдамида вилоятдаги 27 минг га пахта далаларига ишлов бериш, 15 минг га майдонлардан 24 минг тонна ҳосилни машиналар ёрдамида териб олиш кўзланди[7.4-26]. Пахтачиликда техникани қўллаш ва қўл меҳнатини камайтириш мақсадида чигитни квадрат—уялаб экиш усулига янада кенг йўл очилди.

1958 йилдан бошлаб МТСларнинг техника таъмиrlаш станцияларига айлантирилиши ва улардаги техника ва жихозларнинг жамоа хўжаликлирига сотилиши натижасида айрим бақувват хўжаликлар қўшимча тракторлар, автомобиллар, асбоб—ускунларга эга бўлиб, қолоқ ва иқтисодий ночор хўжаликлар бундай имкониятлардан маҳрум эдилар. Шу сабабли жамоа хўжаликлирини йириклаштириш жараёнида ожизлари кучлиларига қўшиб юборилди.

Пахтачиликка жиддий эътибор қаратилганлиги сабабли, Хоразм вилояти 1956 йилдан бошлаб ҳар йили давлатга хом ашё сотиши режаси ва мажбуриятларини бажара бошлади. Шу йили ҳосилдорлик 20,5 ц. ташкил этган бўлса, 1960 йилда ҳар га сугориладиган майдондан 25,4 ц. ҳосил олинди[11, 112]. Вилоятда юқори ҳосил етиштиришда ва янги марраларни дадил эгаллаётган хўжаликлар сони ортиб борди. Натижада пахтачилик билан машғул 91 хўжалиқдан 36 таси 25 ц, 34 таси 30 ц ва 21 таси 30–35 ц хирмон кўтардилар[2,118].

1960 йил 9 декабря Хоразм вилоятида 265 минг тонна пахта етиштириш, 3 минг га янги ерларни ўзлаштириш ва унинг 1000 га пахта экиш учун ажратиш вазифаси қўйилди[7, 4-18]. 1961 йилда вилоятда деҳқончилик қилинаётган ер майдони 153,0 минг га етказилди[3, 39]. Асосий ер фондининг 142,9 минг га пахта ва 3,5 минг га шоли жойлаштирилди[11, 131]. Вилоятда деҳқончиликка яроқли ер майдонларининг чекланганлиги сабабли кўп йиллар давомида экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш эвазига юқори натижаларга эришиларди.

1963 йилга келиб Хоразм вилоятида 310 минг тонналик пахта хирмони барпо этилди ва ҳосилдорлик 31 ц кўтарилиди[11, 131]. Бу даврга келиб Хоразм нафақат республикада, балки бутун мамлакатда энг юқори ҳосил етиштирадиган худуд сифатида — “машъал” деган юксак номга сазовор бўлди.

Хоразм вилояти деҳқонларининг мардонавор меҳнати туфайли 1965 йилга белгиланган пахта хом-ашёси етиштириш режаси ошириб бажарилди. Ҳосилнинг умумий миқдори 352 минг тоннани ташкил қилди. Деҳқончилик маданиятининг оширилиши ҳосилдорликни 24,3 ц 34,9 ц кўтариш имконини берди[11. 318]. 1966 йилда Хоразм вилоятида 330 минг тонна пахта хом ашёси йиғиб олинди ва ҳосилдорлик 35 ц./га етказилди[8, 36].

Пахта хом-ашёси етиштириш ва давлатга топширишда вилоятдаги айрим жамоа хўжаликлиари юқори натижаларга эришдилар. Хусусан, 1966 йилда Янгиариқ туманидаги Ленин номидаги жамоа хўжалиги 1425 га майдондан 37,5 ц. хирмон кўтариб, режани 125 фоизга бажарди Ҳосилдорлик ҳар гектарга 7 ц. оширилди[10, 334].

1965–1968 йилларда вилоятда пахтачиликка 50 млн 900 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, шу даврда фақат режадан ортиқ топширилган пахтанинг қиймати 70 млн сўмни ташкил қилди[1, 44]. 1968 йилда вилоятда етиштирилган ялпи маҳсулотнинг қиймати 100 фоиз деб қабул қилинса, унинг 89 фоизи пахтага, 2,5 фоизи бошқа

дэхçonчилик соҳалари ва 8,5 фоизи чорвачиликка тўғри келарди[1, 18].

Пахтачиликни ривожлантириш нафақат вилоят миқёсида, балки ҳар бир жамоа хўжалиги мисолида ҳам фойдали эканлигига мутлақо шубҳа қолмади. Агар 1964 йилда вилоятдаги хўжаликлар 117 млн сўм даромад олган бўлса, 1970 йилда мазкур кўрсаткич 200 млн сўмдан ошиб кетди. Жамоа хўжаликларидағи иш ҳақи фонди 16 фоизга ва улардаги аъзоларнинг маоши эса 27 фоизга ўсди[6, 53].

60–йиллар ўрталарига келиб Хоразм воҳасидаги дэхçonчиликда тўплаган бир қатор тажрибалар умумлаштирилди. Жумладан, ерларнинг шўрини ювиш ва шудгорлаш, уруғ қадашнинг самарали усусларини қўллаш, агротехника қоидаларидан кенг фойдаланиш, юқори ҳосил олиш учун механизация ва кимёлаштириш каби тадбирларни кенг жорий этиш борасидаги янги билим ва тажрибалар оммалаштирилди.

Кўп йиллик кузатишлар воҳадаги суғоришни тартибга солишга имкон берди. Хусусан, ғўза униб чиққандан кейин унинг илдиз системаси маълум даражада ривожлангач, яъни июнь ойига бориб, илк бор суғорилади. Ҳар сувдан кейин ғўза қатор оралари культивация қилинади ва озиқлантирилади. Далага тез-тез сув қўйиш орқали тупроқнинг шўрини ювиш ҳам амалга оширилади. Ҳосил тўплангач, сентябрнинг биринчи ярмидан то декабргача, суғориш тармоқлари лойқадан тозаланади ҳамда сизот сувларнинг сатҳи кескин пастга туширилади.

Хоразм шароитида чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш пахтанинг етилишини тезлаштиради ва юқори ҳосилга омил яратади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўрганилаётган мавзуга оид адабиётлар ва тадқиқот ишларига концептуал услубий ёндошган ҳолда уларни гурухларга бўлиб, даврий ва муаммовийлик тамойили асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Булар совет давлати даврида нашр этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар, хорижда нашр этилган адабиётлар сифатида ўрганилди.

Биринчи гуруҳ манбалари хусусияти совет мафкураси руҳига хос бўлсада, бу ишлардаги маълумотлар мақолани ёритищда ўз ўрнига эга манбалар эканлигини таъкидлаш лозим. Бу манбалар қаторига XX асрнинг 60–йилларида А.М. Мамедов, Н.Х. Обламурадов, Х. Аҳмедов ва бошқалар Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида суғориш билан

боғлиқ муаммоларни атрофлича ўрганиш мақсадида бир қанча илмий ва фундаментал асарларини киритиб ўтса бўлади. Шунингдек, 1975–1980 йилларда ёзилган “Ўзбекистон ирригацияси” китоби жумладан, китобнинг 3–жилдида Амударёнинг қуи оқимида жойлашган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон ерларини сугориш тизимини тўғри ташкил этиш масалалари ва бу борада амалга оширилган ишларга жиддий эътибор қаратилган.

Мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар тарихчи олимлар ва соҳа мутасаддилари муаллифлигида нашр этилган манбаларда воҳа табиий шароити, воҳадаги қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилган фаолиятлари ёритилган жумладан, Ўзбекистон ирригацияси тарихини, унинг 1951-1990 йиллар чегарасидаги ривожланиши ва оқибатларини илмий жиҳатларини таҳлил қилган О.Комилов, 1946-1970 йиллар даврий босқичларида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни ёритган X.O. Хушвақтов, Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммоларини ёритиб берган С.Р. Давлетов каби тадқиқотчиларнинг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Хорижда чоп этилган адабиётлар киритилган бўлиб, муаллифлар R. Letolle, M Mainquet, I. Kurtoğlu, E. Enger., B. Smith, B.S. ichter, T. Petr, N.M. Novikova, K. Griffin, P.Ph. Miklin, R. Philip Pride, D. Kandiyoti, M. Spoor, Р. Летай М. Менье, изланишларида Марказий Осиё сув омборларининг хусусиятлари, уларнинг мамлакат экотизимига салбий таъсири, йирик сув ҳавзаларининг аграр соҳани ривожлантиришдаги роли, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ва ирригацияси тарихига ўрин ажратилган бўлса, Валинов, В.Забелин, А.Кияткин, М.Луженевалар томонидан ёритилган илмий ишларда совет давлати аграр сиёсати ва унинг оқибатлари таҳлил этилиб, унинг Орол денгизи қуриб боришига таъсири, сув омборлари ва улардан фойдаланишдаги совет давлатининг хўжасизлик услублари каби масалалар ёритилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кўриниб турибдики, Хоразмда чигит экиш ҳар йили апрелнинг биринчи ҳафтасида бошланиб, об–ҳаво шароитига қараб, эрта–кеч 10–12 кун оралиғида тугалланган. Вилоят пахтакорлари чигит экишнинг ўзига мос усулларини топишга ҳам ҳаракат қилдилар.

50–йиллар ўрталаридан бошлаб чигитни **квадрат–уялаб экиш** усули кенг жорий этилганди. Кўп ҳаражат талаб қиласидан бўлса, усул асосида экилган пахта новдаси ўсиб чиққандан кейин унга механизмалар ёрдамида узунига ва кўндалангига ишлов бериш имконияти яратилди,

қўл меҳнати кескин камайтирилди. Шу билан бир қаторда янги таклиф ва фикрлар ҳам шаклланиб борди.

1963–1968 йилларда Хоразм вилоятида чигит экиш суръатининг ўсиш даражаси[1, 44]

Йиллар	Пахта майдони, га	Экиш бошланган кун	Экиш тугалланган кун	Экиш неча кунда тугалланди
1963	99297	3.04	20.05	47
1964	102275	2.04	20.05	48
1965	100946	1.04	15.05	45
1966	100328	2.04	9.05	37
1967	100268	5.04	10.05	35
1968	101696	1.04	6.05	36

Қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва пахтакорларнинг мулоҳазалари асосида 60–йилларда Хоразмда чигитни **тор қаторлаб** экиш усулига ўтилди. Тажриба чигит бундай усулда экилганда бир га майдондаги кўчатлар сони қўп бўлиши ва ғўза тури якка ҳолда ўсганда квадрат–уядагига нисбатан бақувватроқ бўлишини кўрсатди. Чигит экиб бўлингач, унинг униб чиқиши кузатиб борилди. Чигит сийрак униб чиқкан ерларга қўшимча уруғ экилди.

Олимлар, агрономлар, бригадирларнинг ижодий изланишлари натижасида дехқончиликнинг воҳага мос агротехникаси асослари ишлаб чиқилди. Улардан бири — ўғитни ерга сув ёрдамида солишнинг маҳаллий усули — “шарват” оқизиш ҳисобланади. Далага сув таратадиган ариқлар яқинида чуқур қазилиб, унга бир йўла бир неча тонна органик ўғит, яъни гўнг солинади. Чуқур орқали ўтказиладиган ва ўғит аралашган шарват суви эгатлар орқали далага таратилади. Натижада ўсимликларнинг ривожланиши учун зарур бўлган намлиқ билан бир қаторда, озуқа берилади.

60–йиллар ўрталарида келиб Хоразмда қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши курашга катта эътибор қаратилди. Воҳада пахтанинг энг хафли кушандалари — макроскориоз, фузориоз, вилт, илдиз чириш касалликлари тарқала бошлади. Улар пахтанинг 50 ц ҳосил берадиган “Ф–108” навига ҳуруж қилди. Шу билан бир қаторда пахтани териб олишда техникадан кенг фойдаланиш мақсадида вилтга чидамли ва бўйи паст “Тошкент–1” навидан кенг фойдаланила бошланди.

Хоразм вилояти дехқонлари юқори ҳосил олиш сирларини яхши эгалладилар. 1980 йилда Хонқа, Хива,

Янгиариқ, Урганч ва Гурлан тумани дехқонлари 43,0 ц. хирмон кўтардилар. Хрсилининг 82,0 фоизи биринчи сортларга топширилди ва 60 фоизи машиналар ёрдмида териб олинди. Вилоятда 37,0 ц. паст ҳосил олган биронта ҳам хўжалик қолмади[12].

Хоразм вилояти туманларининг 1971 йилги катта хирмонга қўшган ҳиссаси қўйидаги жадвалда ўз аксини топган[4, 30]:

Туманлар	Режа (минг тонна)	Ҳақиқатда (минг тонна)	Ҳосилдорлик (ц.)
Янгиариқ	52,6	77,7	40,3
Урганч	41,3	49,9	40,6
Боғот	36,6	42,0	40,5
Шовот	40,1	50,0	39,9
Хива	35,8	41,5	38,7
Гурлан	54,7	66,4	37,4
Қўшқўпир	44,8	51,3	35,6
Ҳазорасп	33,1	36,4	33,6

Кейинги ўн икки йил ичида вилоятда пахта етиштириш 40 фоиздан кўпроқ, шоли етиштириш эса 5 баробар кўпайди. Бу бир жиҳатдан ирригация ва мелиорациянинг шарофати эди[2, 119]. Иккинчидан, техникадан кенг кўламда фойдаланиш яхши самара берди. 1980 йилда вилоят колхоз ва совхозларида 12 минг трактор, 1689 пахта териш ва 824 кўрак чувиш машиналари, 6684 дона тиркагич ҳамда бошқа техника мавжуд эди. Учинчидан, мувафақиятларнинг яна бир, энг муҳим гарови — малакали мутахассисларнинг борлиги эди[2, 111].

1981 йил март–апрель ойларида мисли кўрилмаган даражада қор аралаш ёмғир ёғди, қирор тушди. Баҳорнинг оғир келишига қарамасдан вилоят дехқонларининг фидокорона меҳнати эвазига шу йили 415 минг тонна пахта хом ашёси тайёрланди ва ҳосилдорлик 40 ц. ташкил қилди. Мавжуд 89 та жамоа ва 32 та давлат хўжаликлари маррани эгаллашди. Доң маҳсулотлари 175,9 минг, шоли 173,9 минг, маккажӯхори дони 74 минг, картошка 21 минг, сабзавот 37,6 минг тоннадан иборат бўлди. Сал кам 10 минг тонна гўшт, 53 минг тонна сут, 60,5 минг дона тухум, 2183 тонна пилла етиштирилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан 280 млн сўмлик даромад олинди ва унинг 219 млн сўми фақат пахтачиликдан келди[2, 88].

1950–1980 йилларда Хоразмда пахта ҳосили етиштириш кўрсаткичлари[5, 15]

Йиллар	Пахта майдони, минг га	Ялпи ҳосил, минг тонна	Ҳосилдорлик ц. га
1950	89,1	146,0	16,4
1960	98,4	265,3	27,0
1970	104,5	407,0	39,0
1980	105,0	442,0	42,4

МУАММОЛАР

Хоразм вилоятида пахтачилик ва шоличилик соҳасида улкан ютуқларга эришилган бир вақтда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик, полиз ва сабзавот экинлари учун етарли даражада ер майдонлари, ўғитлар ажратилиши кескин камайди. Натижада қовун, картошка, пиёз, карам каби сабзавотларнинг аксариятини бошқа вилоятлардан ташиб келтиришга мажбур бўлинди. Жамоат чорвачилиги ночор ахволга тушиб қолди. Оқибатда аҳоли жон бошига гўшт, сут, тухум маҳсулотлари етиштиришда муаммолар кўндаланг бўлиб қолди.

Вазиятдан чиқиш учун Хоразм вилоятига Тупроққалъа массивидан ажратилган янги ерларни ўзлаштириш, мавжуд экин майдонларини қайта текислаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларини рационал жойлаштириш каби муаммолар билан бир қаторда суғориш ва заҳ қочириш ишларини ташкил қилишни юқори даражага кўтариш талаб қилинарди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки ўрганилаётан даврда республикада қишлоқ хўжалиги ва асосан пахта етиштириш билан боғлиқ жадал ишлар олиб борилган, шоличиликка фоиз жихатидан паст бўлган муносабат билдирилган. Хоразм вилоятининг табиий хусусиятлари инобатга олинмасдан, ерларни ўзлаштириш ишлари кенг қамровда амалга оширилди. Воҳада соҳани ривожлантириш учун катта моддий –техник базанинг шакллантирилиши марказнинг эҳтиёжигагина жавоб берарди, ҳалос.

REFERENCES

- 1.Худойберганов М. Хоразм пахтакорларининг ғолибона одими. –Б. 18-89.

- 2.Худойберганов М. Синовларда кечган умр. –Б. 111-119
- 3.Ахмедов Х.А. Ирригация Хорезма. – С. 39
- 4.Холлиев Х. Сув келтириган азиз. – Б. 30.
- 5.Нуржонов К., Нодиров И. Хоразм фарзанди. – Б. 15.
6. Абдурахимов М. и др. Хорезм. Краткий справочник–путеводитель. — Тошкент: Узбекистан, 1971. – С. 53.
7. КП Уз. в резолюциях... — Т. 2. – С. 601; [4.1] ЎзР. ПМХСМТИ, 58–жамгарма, 170–203-рўйхат, 5–35–иш, 1-46 вараглар;
8. ХорВДА, 633–жамгарма, 1-рўйхат, 48–иш, 36–варак
9. Водохозяйственные проектно-изыскательские работы в Хорезме и их эффективность. Проспект. Сост. А.Ф.Соседко, С.И Батурин. — Ташкент: Фан, 1966. – С. 13–14.
10. Торжество кооперативного плана в Узбекистане. — Тошкент: Узбекистан, 1970. – С. 272-334
11. Советский Узбекистан за 40 лет. Стат. сб. — Ташкент: Узбекистан, 1964. – С. 112-318.
12. Улкан режалар // “Хоразм ҳақиқати”. — Урганч, 1972, 18 март.

